

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Кўксарой қароргоҳида Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунни муносабати билан соҳа вакиллари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида фидокорона ва машаққатли меҳнати билан ноз-неъмат етиштириб, эл дастурхонига қўт-барака олиб кираётган барча деҳқон, фермер, боғбон, чорвадор, сувчи, агроном ва механизаторларга ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиромини билдирди.

– Сизларнинг нафақат қишлоқ хўжалиги, балки иқтисодийотни юксалтириш, аҳоли турмушини яхшилаш, озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги бекиёс ишларингиз ҳар қанча таҳсинга сазовор, – деди Президентимиз.

Жорий йилда халқимизнинг 3,5 миллиондан зиёд вакили меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалигида катта марраларга эришилди. Пахтачиликда миришкор деҳқон ва фермерларимиз томонидан 875 минг гектар ерда 4 миллион тоннага яқин хирмон яратилди. Илк бор пахтада ўртача ҳосилдорлик 46 центнерга етди.

Ғаллакорларимиз бу йил 8 миллион 400 минг тонна хирмон яратди, ўртача ҳосилдорлик эса 85 центнер бўлди. Шоликорларимиз жорий йил 268 минг гектарда шולי экиб, 1 миллион 340 минг тонна ҳосил олди, ўртача ҳосилдорлик 50 центнерга етди.



СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ДАВР ТАЛАБИ

Жорий йилнинг ёзги суғориш даврида вилоятимиз туманларида 326 минг гектар ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, ғалла ва эртаги экинлардан бўшаган 6,3 минг гектар майдондаги такрорий экинлар ҳам ўз вақтида обиҳаёт билан таъминланди. Жорий йил суғориш мавсуми учун сув хўжалиги вазирлиги томонидан суғориш ишларига 2472 минг метр куб сув лимити ажратилган бўлиб, амалда 1917,2 минг метр куб сув тизим ташкилотлари томонидан суғориш майдонларига етказиб берилди.

Вилоятимизда жорий йилда 46,1 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиш режалаштирилган бўлиб, бу борадаги ишлар белгиланган режага нисбатан 107 фоизга ууддаланди. Шунингдек, ўтган йилларда жами 9,7 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган бўлиб, ҳозирги кунда сув истеъмолчилари томонидан ушбу майдонларнинг 2,7 минг гектаридан фойдаланиб келинмоқда.

Вилоятимиздаги 14 та туман “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси томонидан шу йилнинг 9 ойи давомида манбалардан 2 млрд. 404 миллион метр куб сув олинган бўлиб, шундан бир млрд. 714 миллион метр куб сув истеъмолчилар кесимида тақдим қилинди. Шу муддатда “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаларининг истеъмолчилар билан

тузилган далолатномалари сони 37 822 тани ташкил қилди.

Вилоятимизнинг жами 346,5 минг гектар суғориладиган майдонларининг ме-лиоратив барқарорлигини сақлаш, суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражасини камайтириш ва ер ости сизот сувлари сатҳини меъёрий ҳолатда ушлаб туриш учун жами 11 минг 184,5 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари хизмат қилади. 2025 йилда коллектор тармоқларини тизимли таъмирлаш-тиклаш Давлат дастурига асосан 1256,7 км. узунликдаги очиқ коллектор тармоқларини, 84,1 км. узунликдаги ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини ҳамда 48 донна коллекторлардаги гидротехник иншоотларда таъмирлаш-тиклаш ҳамда 50 донна кузатув қудуқларига дайвер ускуналарини ўрнатиш ишлари режалаштирилган.

(Давоми 3-саҳифада)

Уч йилда 155 минг гектар боғ ва узумзор барпо этилди, интенсив боғлар 150 минг гектарга етказилди. Жорий йилда 3,4 миллион тонна мева, 2 миллион тонна узум, 19,5 миллион тонна сабзавот, полиз ва картошка, 1 миллион тонна дуққакли ва мойли экинлар етиштирилди.

Йил бошидан озиқ-овқат экспорти 37 фоизга ўсиб, 3 миллиард долларга етди, йил якуни билан бу кўрсаткич илк бор 3,2 миллиард доллардан ошади. Мева-сабзавотларимиз кириб борган давлатларнинг сони 18 тага кўпайиб, 83 тага етди.

– Албатта, бундай улкан натижалар ортида деҳқон ва фермерларимиз, кластерлар, умуман, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ҳар бир инсоннинг меҳнати, жасорати, фидойилиги турибди, десак тўғри бўлади. Уларнинг заҳмати, мард ва олижаноб фазилатлари ҳар қанча эътироф ва эътиборга муносиб, – деди Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 9 декабрдаги фармонида мувофиқ, соҳада алоҳида ўрнатилган ҳодимлардан бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Маросимда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Президентимиз сўзининг давомида келгуси йил учун соҳа олдида турган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Янги агротехнология ёрдамида 76-схема бўйича пахта етиштириш келгуси йилда оммалаштирилиб, 891 минг гектарда тўлиқ шу схема бўйича пахта етиштирилади. Қўсак қурти, гербицид, шўр ва сувсизликка чидамли хорижий навлар экиладиган майдонлар 2 карра кўпайтирилиб, 500 минг гектарга олиб чиқилади.

“Шинжон тажрибаси” асосида 300 минг гектарга чигит экилади. Бунинг учун дала-ларда томчилаб суғориш технологиясини жорий этишга 2 триллион 600 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилади. Ўз маблагидан пахта етиштирган фермерларга ҳосилнинг 10 фоизгача қисмини субсидиялашга 250 миллиард сўм берилади.

Бунда пахта етиштириш учун кредит лимитини ярмидан фойдаланган фермерларга ҳам ҳосилнинг 5 фоизгача субсидия берилади.

Маҳаллий янги пахта навларини яратиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусан, илмий марказларда 56 та маҳаллий нави хорижий навлар билан

селекция қилиш асосида пахта уруғчилиги ривожлантирилади. Геномика ва Пахтачилик илмий институтларига фитотрон ва иссиқхона қуриб берилади.

Пахта етиштириш учун биржа орқали минерал ўғит ва ёқилғини 10-15 фоиз арзон нархда етказиб бериш амалиёти келгуси йилда ҳам давом эттирилади.

Эндиликда пахта ва ғалла йўналишидаги фермерларнинг алоҳида рейтингни юритилади.

Бунда камида 10 йилдан ортиқ ишлаётган, кредит, лизинг ва солиқдан муддати ўтган қарзи бўлмаган фермерларга рейтингга қараб Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан берилаётган имтиёзли кредит ставкалари янада пасайтирилади. Яъни рейтингнинг юқори поғонасида турган фермерларга кредит ставкаси пахта учун 8 фоиз, ғалла учун 10 фоиз қилиб белгиланади.

Мирзачўлда инновацион қишлоқ хўжалиги мактаби ташкил қилинмоқда. Бутун республикадаги 1 минг нафар фермер ушбу мактабда қўл шароитида пахта етиштириш бўйича ўқитилади. Ушбу мактабда ўқиб, сертификат олган фермерларга рейтингда қўшимча 10 балл берилади.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ – “ҲОСИЛ БАЙРАМИ” КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

Кеча, 10 декабрь куни пойтахтимиздаги “Осиё гранд” ресторанида Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунни – “Ҳосил байрами” кенг нишонланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик ва халқаро ташкилотлар вакиллари, вазирлик тизим ташкилотлари раҳбарияти, бошқарма бошлиқлари, аграр соҳа фидойилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 25 август куни имзолаган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунга кўра, декабрь ойининг иккинчи яшанбаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини эитиб белгиланган. Шундан буён мазкур сана аграр соҳада меҳнат қилиб келаётган юртдошларимиз томонидан кенг нишонлаб келинмоқда.

Байрам тадбирида айтиб ўтилганидек, қишлоқ хўжалиги – юртимизнинг стратегик устувор соҳаси бўлиб, унинг муваффақияти аввало

соҳа пешқадамларининг сабр-матонати, масъулияти ва тиришчилик меҳнатига боғлиқ. Деҳқонлар, фермерлар ва аграр соҳада хизмат қиладиган барча фидойилар она заминга меҳр билан барака уруғини қадайдди, ҳар бир ишига пок ният билан, меҳр ва садоқат билан ёндашади. Уларнинг ҳар бир томчи пешона тери, ҳар бир жасорати ортида юртга бўлган чексиз садоқат мужассам. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, уни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўл-

жалланган Стратегияси” билан 9 та устувор йўналиш, қисқа ва узоқ муддатли ислохотларни амалга ошириш тамойиллари белгиланди. Айни пайтда Стратегияда белгилаб берилган тамойиллар асосида аграр соҳада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтиб бораётган 2025 йилда аграр ва озиқ-овқат соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва барқарор ривожлантириш бўйича 64 та норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, жорий йилнинг 3 февралда “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

(Давоми 3-саҳифада)

“РЕНЕССАНС” МАЪРУЗА ЗАЛЛАРИ МАЖМУАСИ ТУРЛИ ТАДБИРЛАР ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН ДОИМО ГАВЖУМ

Тошкент давлат аграр университетининг 95 йиллиги байрами арафасида “Ренессанс” деб ном олган маъруза заллари мажмуаси қуриб, битказилганди. Бугун улар турли тадбирлар иштирокчилари билан доимо гавжум.

“Ренессанс” маъруза заллари мажмуасида “Янги Ўзбекистон шароитида ёшларнинг таълим



олиши ва илм билан шуғилланишга яратилаётган имкониятлар” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарни Тошкент давлат аграр университети ректори, профессор Н. Н. Обломуродов ўзининг кириш сўзи билан очиб берди. Семинарда “Қишлоқ ҳаёти” газетаси бош муҳаррири Ч. Латипов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори И. Соифназаров, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири, профессор А. Мухторов, шунингдек, университетимиз профессор-



ўқитувчилари ва талаба-ёшлари иштирок этди.

ТДАУ ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимидаги қўп йиллик фидокорона меҳнати, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш, интенсив агротехник усулларни қўллаш орқали юқори ҳосилдорликка эришиш, эл-юрт фаровонлигини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илғор инновацион технологиялар ва замонавий илм-фан ютуқларини амалиётга кенг жорий этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулотларни сифатли қайта ишлаш, юртимиз экспорт салоҳиятини ошириш йўлидаги самарали фаолияти, малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор” фахрий унвони билан

Абдурахмонов Абдунаби Абдураимович – Шароф Рашидов туманидаги “Кўргонтепа” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Матниёзов Ўллат Ёқубович – Бўғот туманидаги “Ёқуб бобо ўғли Омон” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” фахрий унвони билан

Комилов Турсунбой – Тўрақўрғон туманидаги “Комилов Турсунбой” кўп тармоқли фермер хўжалиги иш бошқарувчиси, Наманган вилояти

Машаринов Уктам Рустамович – Хоразм вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Рузиев Зафар Шаропович – Жиззах вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

Саноев Ёдгор – Вобкент туманидаги қишлоқ хўжалиги бўйича “Хайробо” худуди раҳбари, Бухоро вилояти

Ғаниев Шухрат Мадаминович – Ўзбекистон Республикаси Президентининг аграр ривожланиш масалалари бўйича маслаҳатчиси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор” фахрий унвони билан

Наджинов Марат Фахриевич – “Ўзсувлойиҳа” акциядорлик жамияти бош директори

Саидов Юсуп Маматович – Ўзун тумани “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси муҳандис-гидротехниги, Сурхондарё вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи” фахрий унвони билан

Юсупова Гулбаҳар Эркиновна – Бөрүний туманидаги “KKR Irak Cluster” масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Қорақалпоғистон Республикаси

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Гафуров Ҳусанбой Абдуллаевич – Олтиариқ туманидаги шахсий томоқра ер эгаси, Фарғона вилояти

Дадажанов Абдувоҳит Тошпулатович – Учқўрғон туманидаги “Тошпулат хожи ота” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Бектураев Умнат Аббасович – Ховос туманидаги “Ховос гулшани” боғдорчилик йўналишидаги масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

Ёрматов Диларом – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини экология ва яшил ресурслар кафедраси мудири

Исмоилов Фарходжон Воҳобович – Сурхондарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

Комилова Замира Шуқуллоевна – “Гиждудон иппак тала” масъулияти чекланган жамияти худуд агрономи, Бухоро вилояти (Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Латипов Султонбой Аллаёрович – Давлатлараро “Амударё” ирригация каналлари бошқармасининг Тошсоқа бўлими бошлиғи, Хоразм вилояти

Мадумарова Мухаббатхон Юсуфжоновна – Улугнор туманидаги “Юсуфжон ери” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Андижон вилояти

Нишанбаев Саидкарим Абдухокимович – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари

Нормурадов Парда Боймирович – Ғузор туманидаги “Пачкамар қорақўлчилик” масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Қашқадарё вилояти

Рахимова Манзура Ривожиддиновна – Норин туманидаги “Норин агропилла” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Ризаев Абдуразок Маманович – Кармана туманидаги “Севолтепа равнақи” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Навоий вилояти

Сейфуллаев Бахтияр Кемалович – Тахтақўпир тумани “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси етакчи муҳандис-гидротехниги, Қорақалпоғистон Республикаси **Тухтакузиев Абдусалим** – Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг тупроққа ишлов бериш машиналари лабораторияси мудири

Узаков Улугбек Юлдашевич – Қашқадарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиғи масалалари бўйича ўринбосари

Хасанова Мухаббат Мамарахимовна – Бахмал туманидаги “Тулбулоқ сабзавотлар макони” фермер хўжалиғи бошлиғи, Жиззах вилояти

Хатамов Жахонгир Жураевич – Ўзбекистон Респуб­ликаси Бош прокурорининг ўринбосари

Холмирзаев Дустмухаммад – Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар универстетининг яйлов чорвачилиғи, қорақўлчилик, асаларичилик ва ипакчилик кафедраси профессори

Чариева Хилал Дустмуратовна – Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг интенсив навлар селекцияси лабораторияси мудири, Сурхондарё вилояти

Шеназаров Баходир Маманазарович – “Норин-Фарғона” ирригация тизими бошқармаси бош мутахассиси, Фарғона вилояти

Юсупов Ғафуржон – Бекобод туманидаги “Юсупов Обид файз” кўп тармоқли фермер хўжалиғи иш бошқарувчиси, Тошкент вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Абдулазизов Облақул – “Мирза-Пай” ирригация тизи­ми бошқармаси каналлари катта муҳандис-гидротехниги, Самарқанд вилояти

Абдуллаев Нурали Юсуфалиевич – Агросаноатни ривожлантириш агентлиги директори

Абдурайимов Жасурбек Одилович – Балиқчи тумани ҳокими, Андижон вилояти

Абиллаев Уразбай – Дон ва шולי илмий-ишлаб чиқариш би­рлашмаси лаборатория мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Дарвишев Шавкат Тураевич – Дўстлик тумани ҳокими, Жиззах вилояти

Зайтов Зияятдин Имаматдинович – Нукус тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

Зядулоев Абдурахим Норович – Сарийсёё туманидаги “Фахриддин асалчи” фермер хўжалиғи бошлиғи, Сурхон­дарё вилояти

Каримов Раҳмон Қаҳорович – Бухоро туманидаги “Карим Қаҳқор” фермер хўжалиғи бошлиғи, Бухоро вилояти **Комилов Баҳром Уринович** – Фарғона вилоятидаги “Ferghana Spinning” пахта-тўқимачилик кластери раҳбари **Қўлдашева Мухтасархон Абдумуталибовна** – Булоқ­боши туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Андижон вилояти

Мавлянов Дусяр Иргашевич – Косон туманидаги

“Косон” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Қашқа­дарё вилояти

Олжабаева Салиха Избасаровна – Томди туманидаги “Алдияр-Қаланбай” туячилик фермер хўжалиғи чўпони, Навоий вилояти

Рашидова Дилбар Каримовна – Пахта селекцияси, уруғ­чи­лиғи ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг органик пахтачилик лабораторияси мудири

Сайфудинова Шаҳноза Шоназаровна – Мирзаобод туманидаги “А Master fruit” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Сирдарё вилояти

Умаров Халимжон Комилович – Кува тумани ҳокими, Фарғона вилояти

Хамидуллаев Абдулла – Бўстонлиқ туманидаги “Escalade biznes invest” масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

Холмурад Акмал Арсланович – Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими, Тошкент вилояти

Шукуров Алишер Нематуллаевич – Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиғи ва­зирининг ўринбосари

“Жасорат” медали билан

Ахмадқулов Мухаммадзулун Мухаммадали ўғли – Қўрғонтепа туманидаги “Ахмадқулибек” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Андижон вилояти

Баротов Собир Тўхтаевич – “Аму-Бухоро” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси экскаватор машинисти, Бухоро вилояти

Каримов Икром Ғуломович – Арнасой туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Жиззах вилояти

Отепбергенов Сарсенбай Ниетбаевич – Қонлиқўл туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ражабов Турсунпўлот Сафарович – Қизилтепа туманидаги “Сафаробод боғи” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Навоий вилояти

Сувонов Нурмухаммат Бобомурадович – Пахтачи туманидаги “Мирзаев Шухрат Кенжаевич” фермер хўжалиғи­нинг ғалла ўриш комбайни оператори, Самарқанд вилояти

Хасанов Аваз Таджиқулович – Бекобод туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Тошкент вилояти

Ҳасанов Акбар Мухаммадиевич – Шаҳрисабз туманидаги “Ҳасанов Акбар Мухаммадиевич” боғдорчилик йўналишидаги масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Яхяев Ҳатиржон Туйчиевич – Ховос туманидаги “Сабохат Хайдаровна” фермер хўжалиғи бошлиғи, Сир­дарё вилояти

“Келажак бунёдкори” медали билан

Ахмедов Жамшид Бахтиёр ўғли – Пахтакор туманидаги “Боғишамол томорқа экспорт” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Турдиев Акбарали Усмон ўғли – “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг таянч докторанти

“Шухрат” медали билан

Абдулмиталипов Абдушукур Шухратжон ўғли – Бағдод туманидаги “А.Мадаминов” кўп тармоқли фермер хўжалиғи иш бошқарувчиси, Фарғона вилояти

Аширова Тажигул Алланазаровна – Эллиққалъа туманидаги “Амиробод Мардонн” кўп тармоқли фермер хўжа­лиғи бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Бозаров Ахрор Худайкулович – Қарши туманидаги “Худойкулов Сарварбек Ахрорович” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Бозорбоев Тошқинбой Муталибович – Мингбулоқ туманидаги “Тулчехра Озодбек Абдумутал” паррандачилик оилавий корхонаси раҳбари, Наманган вилояти

Юксак мукофотлар муборак бўлсин!

Джуманазарова Комила Сайдахматовна – Ўрта Чир­чик туманидаги “Достонбек Азизбек агро” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Тошкент вилояти

Досмухамедова Мухайё Ҳуснитдиновна – Тошкент давлат аграр университетининг умумий зоотехния ва зо­отехнологиялар кафедраси профессори

Жобборов Бурхонжон Абдусатторович – Балиқчи туманидаги “Бурҳон” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Андижон вилояти

Жумабаев Умирбек Султанович – Хонқа туманида­ги “Боғибек Жонибек” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Хоразм вилояти

Ибодуллаев Жуманазар Махматмуродович – Мириш­кор туманидаги “Турон агротехсервис машина-трактор паркн” масъулияти чекланган жамиятининг ғалла ўриш комбайни оператори, Қашқадарё вилояти

Илхамбеков Кахрамон Касимжонович – Юқори Чир­чик туманидаги “Есо agro product” боғдорчилик фермер хўжалиғи бошлиғи, Тошкент вилояти

Исмаилов Максуд Кошназарович – Тўрткўл туманидаги “Кўшназар пахтакор” фермер хўжалиғи бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Исроилов Абдурашид Абдурахмонович – Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғар­масини бошқариш департаменти директори

Ишпулатов Зокир Эшкурбонович – Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиғи ва­зирининг биринчи ўрин­босари – Сув хўжалиғи объектларини эксплуатация қилиш агентлиғи директори

Кадиров Мехрож Усмонович – Самарқанд туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Самарқанд вилояти

Күзиев Баходир Тухтаевич – Боёвут туманидаги “Анварбек Аббосбек” фермер хўжалигининг пахта териш комбайни механизатори, Сирдарё вилояти

Қўлдошев Феруз Қўлдош ўғли – Когон туманидаги “Combo Profit” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Қосимов Акмалжон Маликжонович – Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиғи вазири ўринбосари

Мансуров Асрор Мехриддинович – Бухоро вилоятидаги “Qorako'l kumush kalava” пахта-тўқимачилик кластери раҳбари

Мирзаев Нуроли Абдираимович – Кўкдала туманидаги “Чироқчи истиклол паррандачилиқ” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Муқимов Хасан Хурсанович – Ангор туманидаги “Икки дўст Сурхон Ангор” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бо­шлиғи, Сурхондарё вилояти

Мўминов Исоқ Мураталиевич – Жарқўрғон туманидаги “Эргаш бобо” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Мухтарова Жамила Шукуровна – Жомбой туманида­ги “Жомбой агропилла” масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Самарқанд вилояти

Надилов Абдукадир – Охангарон туманидаги “Тарақ­қиёт Бахтиёр” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Нематов Манноб Нуриддинович – Қумқўрғон туманидаги “Тулистон” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Отамуратов Шоназар Султанович – Қўшқўпир тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг ветеринария участкаси мудири, Хоразм вилояти

Очлово Фарҳод Бахтиярович – Навбахор туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Навоий вилояти **Раимқулов Рустам Назарқулович** – Зафаробод туманидаги “Форинш йўллари” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Жиззах вилояти

Расулов Тавакалжон Қодиржон ўғли – “Норин-Қорадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси экскаватор машинисти, Андижон вилояти

Расулов Тожи Маматхолиқович – Шеробод тумани-

даги “Расулов Тожи” анорчилик йўналишидаги масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Рахимов Ахроржон Ортиқбоевич – Данғара туманидаги “Best cotton fields” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Фарғона вилояти

Рахманова Зоҳида Тургуновна – Сайхунобод тумани “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси бош муҳандиси, Сирдарё вилояти

Рахматов Одил Шарипхонович – Ўйчи туманидаги “Ўйчи парранда” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Раҳмонов Мухиддин Мамурович – Мирзаобод тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг “Тошкент” ветеринария участкаси мудири, Сирдарё вилояти

Рашидов Шохруҳ Фарҳод ўғли – Хатирчи туманидаги “Хатирчи invest export” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

Ризонов Азимхон Холович – Каттақўрғон туманидаги “Азимхон Ризонов” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Самарқанд вилояти

Сауитбаев Марат Шайниязович – “Кармана-Конимех” ирригация тизими бошқармасининг Конимех туманлараро гидроучасткаси канали бошлиғи, Навоий вилояти

Собиров Музаффар Равшанбекович – Қўшқўпир туманидаги “Муаттар” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Хоразм вилояти

Турабов Камолхон Зиявидинович – Учқўприк туманидаги “Зиёвуддин ота орузси” боғдорчилик фермер хўжалиғи бошлиғи, Фарғона вилояти

Умаров Гулмурод Нормуродович – Жондор туманидаги “Аржуманбону чорваси” паррандачилик кластери бошлиғи, Бухоро вилояти

Ўринов Икром Шуқуруллоевич – Олот туманидаги “Шу­крулло Ўринов” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Бухоро вилояти

Усмонов Жўрабек Тўланбоевич – Қўштепа туманидаги “Исмоил Жўрабек саховати” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Фарғона вилояти

Хамраев Бобир Зоҳир ўғли – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директорининг биринчи ўринбосари

Хамидов Одил Рахимжонович – Пискент туманидаги “Уч авлод” фермер хўжалигининг пахта териш комбайни механизатори, Тошкент вилояти

Хасанова Зарафшон Матёкубовна – Хива туманидаги “Қиёт биосервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Холиқов Қодиржон Дадамирзаевич – Косонсой туманидаги “Наманган пахта текс” масъулияти чекланган жамиятининг ғалла ўриш комбайни оператори, Наманган вилояти

Чориев Азамат Маҳаммадиевич – Қамаши туманидаги “ВВU-Azamat” доривор ўсимликлар етиштирувчи масъу­ли­яти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

Шайзаков Икром Уралович – Дўстлик туманидаги “Илхом Шариф” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Жиззах вилояти

Шеров Эркин Курбанович – Пастдарғом туманидаги “Элдор” чорвачилик фермер хўжалиғи бошлиғи, Самарқанд вилояти

Шухратов Сардор Шухратович – Гулистон туманидаги “Жасур Сардор файзи” кўп тармоқли фермер хўжалиғи бошлиғи, Сирдарё вилояти

Эркинов Инхамжон Усмонович – Жалақудуқ туманидаги “Миржаҳон Аслиддин даласи” фермер хўжалиғи сувчиси, Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикаси	Президенти	Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 9 декабрь		

Яна бир масала – республикада экин май­донларидан ўтган 70 минг километр узунлик­даги очиқ дренаж ва коллекторлар бор. Агар улар босқичма-босқич ёпиқ тизимга ўтказилса, экин экиш учун қўшимча майдон очилади, зовурларни тозалаш харажатлари каррасига тежаллади.

Шу боис, очиқ дренаж ва коллекторларни ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниб, бу максadлар учун 100 миллион доллар ажратилиши белгиланди.

– Мен бир гапни такрор айтишдан чарча­майман. Илм ва изланиш бўлмаган соҳада ривожланиш ҳам, юксалиш ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди, – деди давлатимиз раҳбари.

Бугун аграр соҳада 22 та илмий марказ, 260 та лаборатория, уларда жуда катта салоҳиятга эга юзлаб олим ва илмий ходимлар фаолият юритмоқда.

Бу салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш учун “илм-фан – таълим – ишлаб қилириш” инте­гра­циясини таъминлайдиган Қишлоқ хўжалиғи фанлар академияси ташкил этилади. Ушбу академия қишлоқ хўжалиғидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантиришга масъул бўлади.

Бундан ташқари, 500 нафар илғор фермер, боғбон ва экспортчилар Хитой, Туркия, Гол­ландия, Франция каби давлатларга юборилиб, ўқитилади.

Учрашувда қишлоқ хўжалиғи соҳаси ходим­лари билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Прези­дентимиз уларнинг қўшимча таклифлари ва фикрларини тинглади.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Малакали агрономларни кўпайтириш муҳим экани таъкидланди.

Шу боис, Агар университетнинг 180 нафар талабаси дуал таълим асосида илғор кластер ва фермерларда ишлаб, амалиёт ўтайди. Агроном­лик сирларини ўргатган фермер ва кластерга ҳар бир талаба учун 5 миллион сўмдан пул, талабага эса 1,5 миллион сўм стипендия тўла­нади.

Фермерлар фаолиятига янгиликларни олиб кириб, сифатли уруғ ва нав, замонавий агро­технология ёрдамида ҳосилдорликни ошириш ва харажатларни қисқартиришга кўмаклаш­ган ёш агрономларга 2 минг доллардан ойлик тўланади.

Пахтачиликда механизациялаш даражасини 85 фоизга етказиш учун келаси йил яна 800 та терим машинаси, 450 та кўп функцияли сеялка ва 3 минг дона плёнка йиғадиган машина олиб келиниши белгиланди.

Умуман, пахтачиликдаги ишларни янада жонлантириш учун 2026 йил деҳқон ва фер­мерларни қўллаб-қувватлашга 35 триллион сўм берилади.

Ғаллачиликда ҳам шўр, сувсизлик ва ис­сиққа чидамли янги навларни яратиш бора­сидаги изланишлар янада кучайтирилиши таъкидланди. Ўз маблағи ҳисобидан ғалла етиштирган фермерларга пахтадаги каби

ҳосилининг 10 фоизи миқдорида субсидия ажратилади.

Шунингдек, янги боғ ва тоқзорларни таш­кил қилиш, эскиларини янгилаш бўйича уч йиллик дастур қабул қилинади.

Эндиликда интенсив боғ ташкил қилиш учун 7 йилга 3 йиллик имтиёзли давр билан 14 фоизли кредит берилади. Музлаткичи ом­бор учун кредит фоизининг асосий ставкадан ошган 8 фоизгача қисми қопланади. Сабзавот экспортчилари ва боғбонларга қадоқлаш хара­жатининг 50 фоизи компенсация қилинади.

Мева-сабзавотни кўпайтириш учун яйлов, қир ва адирлардан самарали фойдаланиш жуда муҳимлиги таъкидланди.

Шу мақсадда саноатлашган боғ, тоқзор ташкил қилиш, сабзавот, озуқа экинни етишти­риш учун адир ерлар қийматининг 1 фоизи миқдоридаги нарх билан аукционда сотилади. Аукцион ғолиблари ерни бошқа одамга қай­та ижарага бериши мумкин бўлади ва ижара ҳуқуқи бепул рўйхатдан ўтказилади.

Ҳозирги тез ўзгарувчан шароитда бозорлар­даги нарх-наво барқарорлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш доимий диққат марказида бўлиши шартлиғи кўрсатиб ўтилди.

Ҳозирда куз-қиш учун асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари захира қилинмоқда. Энди бу ишни йил давомида амалга ошириб, нархлар барқарорлигини таъминлаш учун доимий

интервенция тизими жорий этилиши эълон қилинди.

Яна бир муҳим, эътибор қаратиш зарур бўлган масала – гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтириш.

Келгуси йилда четдан 100 минг бош қора­мол ва 200 минг бош қўй-эчки олиб келинади. Пахта ва ғалла йўналишидаги фермерларга ўз ерида чорвачиликни йўлга қўйиш учун 20 сотихгача жойда енгил конструкцияли бино қуришга рухсат берилади. Импорт қилинган наслдор қорамол ва бир кунлик жўжа учун субсидия ажратиш тартиби яна 5 йилга узай­тирилади.

Чорвачилик лойиҳалари учун кейинги йил Жаҳон банки ва Қишлоқ хўжалигини рив­ожлантириш халқаро жамғармасидан олиб

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ – “ҲОСИЛ БАЙРАМИ” КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ



(Боши 1-саҳифада)

Мазкур қонун билан озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи органлар ва уларнинг ваколатлари, озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига йўл қўймаслик бўйича давлат томонидан қўриладиган чоралар, озиқ-овқат балансини шакллантириш тартиби белгиланди. Шу йилнинг 14 апрель куни “Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини сугурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Унга кўра, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини сугурта қилишнинг амалга оширишни мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб, Қишлоқ хўжалиги сугуртаси жамғармасининг фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги сугуртасини ташкил этиш тартиби, қишлоқ хўжалиги сугуртасини амалга ошириш шартлари ва тартиби, қишлоқ хўжалиги сугуртаси ҳодисалари бўйича зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби белгиланди.

Шунингдек 12 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этишни янада жадаллаштириш орқали самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони тасдиқланди. Фармонда агропортал қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар учун соҳада хизмат кўрсатишнинг “ягона нуктаси” сифатида эътироф этилди, шунингдек, Агропортал орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ҳам кўрсатилиши, “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” МЧЖ қишлоқ хўжалиги соҳасини рақамлаштириш йўналишида ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ағона оператор этиб белгиланди. Бундан ташқари, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисидаги” Қонун қабул қилинди. Фермер ва деҳқонларимизнинг кафолатли иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун мустақам ҳуқуқий асослар яратилди. Қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгариши салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида экинлар ҳосилини сугурталаш механизми жорий этилмоқда ва 2026 йилда сугурта мукофотининг 50 фоизи бюджетдан қоплаб берилади. Бунинг учун, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалиги сугурта жамғармаси ҳамда аграр ва озиқ-овқат соҳаларига ажратилган субсидиялар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш мақсадида Аграр соҳада тўловлар агентлиги ташкил этилди. Натижада, қишлоқ хўжалиги субъектларига субсидия ажратиш жараёни 4 босқичдан 2 босқичга туширилди. Энди субсидия ажратиш муддатлари кескин қискарди. Фермерларнинг 2024 йилгача мавжуд солиқ қарздорлигига ҳисобланган 1 трлн. сўм пенялар ҳисобдан чиқарилди.

Сифатли, аҳоли талабига мос, рақобатбардош қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш вазифаси бугун ҳар қачонгидан кам муҳим. Бу вазифаларни адо этишда аграр соҳа ходимларининг тинимсиз меҳнати, ишга масъулият билан ёндашиши ва новаторлик руҳи ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Уларнинг меҳнати туфайли юртимизда қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланиб, бозорларимиз сероб ва тақчилликдан холи бўлмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг (пахта-ғаллачиликдан ташқари) молиявий барқарорлигини таъминлаш, соҳада даромад манбаини ошириш мақсадида қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) “ноль” қийматда белгилаш тизими йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, солиқ юкни кескин енгиллаштириш имкони яратилиб, 45 мингга яқин фермер хўжаликлари ихтиёрида 800 миллиард сўмга яқин маблағ қолмоқда. Ўз маблағи ҳамда тижорат кредити ҳисобидан пахта хо-машёсини етиштириб, биржада сотган қишлоқ хўжалиги корхоналарига пахта қийматининг 10 фоизига субсидия бериш тизими йўлга қўйилди. Натижада 3,5 мингдан ортиқ корхоналар 153 минг гектар ер майдонда Ўз ҳисобидан пахта етиштиришни йўлга қўйди. Шунингдек, пахта етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитлар ҳосил йилнинг 31 декабригача қайтарилганда кредит фоизининг 4 фоизини қоплаб бериш тизими йўлга қўйилди. Шу билан бирга, фермерлар биржада реализация қилинган ҳар бир тонна пахтага 1 млн. сўмдан субсидия ажратилади. Бу орқали қишлоқ хўжалиги корхоналари 3 трлн. сўмдан ортиқ қўшимча даромад олишга эришди.

Жорий йилда қишлоқ, ўрмон ва балик хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 517,5 трлн. сўмни ташкил

этиши қутилмоқда. Бунда, 243,3 трлн. сўмлик деҳқончилик ва 249,3 трлн. сўмлик чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Хусусан, шу кунгача 9,2 млн. тонна дон ва дуккакли дон, 4 млн. тонна пахта, 15 млн. тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, 5,3 млн. тонна мева ва узум, 4 млн. тоннага яқин картошка, 3 млн. тоннадан ортиқ гўшт ва 13 млн. тонна сут ҳамда 30 минг тонна пилла етиштириб, улкан хирмон яратилди.

Озиқ-овқат саноатида 142,2 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш 107 фоизни ташкил этди. Соҳада 1,2 млн. нафар доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди. Қишлоқ хўжалиги ерларида сув тежовчи технологияларни қўллаш кўлами 2,6 миллион гектарга етказилди. 2025 йилнинг ўзида 250 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилинди ҳамда 610 минг гектар ер лазерли текисланди ва 2,5 млрд. м3 сув иқтисод қилинди.



Олиб борилган тизимли ислохотлар натижасида сўнгги уч йилда гумус микдори кам бўлган майдонлар 2,5 миллион гектардан 1,5 миллион гектаргача, хусусан, жорий йилнинг ўзида 381 минг гектар камайтирилди. Ер бозор активига айланди, ер ҳуқуқини бошқа шахсга бир йўла ёки бир қисmini ўтказиш (иқкиламчи ижара) амалиёти жорий этилди. Жорий йилда 80 минг гектардан ортиқ майдонлар қайта фойдаланишга киритилиб, озиқ-овқат экинлари етиштирилмоқда.

Иқлим ўзгаришларига мослашиш ҳамда салбий таъсирни юмшатиш мақсадида 2 та катта Миллий дастур қабул қилинди ва сўнгги йилларда 294 млн. доллар Оролбўйи минтақаси ҳамда қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгариши билан боғлиқ лойиҳалар учун йўналтирилди. Соҳага халқаро молия институтлари маблағларини кенг жалб қилиш ҳамда маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида лизинг хизматларини молиялаштириш тизими жорий этилди. Халқаро молия институтларининг 200 млн. доллар маблағи лизинг хизматига йўналтирилиб, меҳнаткаш фермеру деҳқонларга 4,8 мингдан ортиқ, умуман олганда 6 трлн. сўмдан ортиқ 11 мингдан зиёд замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлари етказиб берилди. Далаларимизда илм-фан ютуқлари ва илгор халқаро тажрибалар кенг жорий қилинмоқда. Бу орқали қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ошмоқда, деҳқон ва фермерларимизда замонавий ёндашув кириб келмоқда.

Бу йил 875 минг гектар ерга чигит экилиб, 4 миллион тонна ҳосил олинди. Республика бўйича 181 минг гектарга “Шинжон” тажрибаси (плёнка остига чигит экиш билан томчиллатиб сугориш) асосида чигит экилди. Механизация даражасини оширишга 170 млн. доллардан ортиқ маблағ йўналтирилиб, 960 дан ортиқ пахта териш машиналари етказиб берилди. Пахтачиликда бу йилги мўл ҳосил яратилганини жойларда миришкор деҳқонларимиз ўзлари эътироф этмоқда.

Ғаллачиликда ҳам замонавий ресурс тежамкор агротехнологияларни жорий этиш ҳисобига ўртача ҳосилдорлик 85 центнерни ташкил этди.

Сабзавотчилик соҳасида ресурстежамкор интенсив технологиялар асосида 57 минг гектарда сабзавотлар етиштирилди ва соф даромад ҳар гектарида 7-8 минг долларни ташкил этмоқда. Республикада 24 минг га. мевали боғ ва 7,7 минг га. узумзор барпо этилди, кам ҳосили, иқтисодий самарасиз 25 минг га. боғ ва 10 минг га. тоқзор реконструкция қилинди. Сўнгги йилларда 1500 та озиқ-овқат лойиҳалари ишга туширилди. Натижада қайта ишлаш даражаси мева-сабзавотда 15,3 фоизга, гўшtda 16 фоизга, сут маҳсулотларида 22 фоизга етказилди. Маҳсулотларимиз табиий ва ширин бўлгани учун четда жуда қадрланади. Ташқи бозорда “Ўзбекистонда етиштирилган” деган бренд шаклланди. Айниқса, қури-тилган олхўри ва ўрик, шафтоли, майиз, гилос ва дуккакли маҳсулотлар экспорти бўйича юртимиз дунёда юқори ўринларни эгалламоқда. Экспорт географияси жорий йилнинг ўзида 11 та давлатга кенгайтирилиб, 93 та давлатга 3 млрд. долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди. 73 дан ортиқ маҳаллий экспортёрлар Хитойнинг махсус экспорт реестрига киритилди. 8 та давлатга 36 та маҳсулот экспорти учун фитосанитар рухсатлар олинди ва жами 646 тага етказилди.

Бу йилда қарийб 2,5 миллиард долларлик қишлоқ хўжалиги ҳамда 1 миллиард долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти амалга оширилмоқда. Мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт географиясини кенгайтириш бўйича жорий йилда жами 17 та халқаро ва маҳаллий кўргазмада

110 та экспортёр корхона 89 турдан ортиқ мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан иштирок этди. Жумладан, Германия, Покистон ва БААда, Россия, Белоруссия, Грузия, Озарбайжон, Афғонистон, Мўғулистон ва Қирғизистон давлатларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида ташкил этилган халқаро кўргазмаларда янги 500 млн. доллардан ортиқ келишувлар имзоланди.

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалиги ходимлари нафақат юртимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда, балки жамиятда меҳнат маданияти, фидойилик ва сабр-қаноат каби юксак қадриятларни тарғиб этишда ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, улар эрта баҳордан ҳар бир барака уруғини ер бағрига эҳтиёткорлик билан қадаб, бутун ёз давомида қилган тинимсиз меҳнатларининг самараси – мўл ҳосилни кеч кузда йиғиштириб олишди. Бу орқали улар келажак авлоднинг фаровон ҳаёти учун ҳам замин яратмоқдалар. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича самарали ишлар олиб борилди. Пахта етиштирувчилар ва пахта тўқимачилик кластерлари ўрасида бозор муносабатлари янада такомиллаштирилди. Фермерлар етиштирган пахтани ўзи хоҳлаган кластерга биржада сотишни йўлга қўйилди.

Пахтачиликда субсидия ва кредитларнинг бир қисmini қоплаб беришнинг янги механизмлари жорий этилди. Иссиқхоналарга мавжуд солиқ қарзлари тўлови 2028 йил якунигача узайтирилди ҳамда 2029 йилнинг ҳар чорагида тўлаш тизими жорий этилди. Шунингдек, иссиқхоналарга қўлланган маъмурий ва молиявий жарималар ҳамда барча ҳисобланган пенялар тўлиқ ҳисобдан чиқарилиши белгиланди. 2026 йил 1 январдан 2028 йил якунигача ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 17 трлн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Худудларда 145 минг тонна қувватдаги 10 та агрологистика маркази ҳамда 45 минг тонна қувватдаги 76 та совиткичи омборлар ишга туширилди, агрологистика қуввати 1 млн. 442 минг тоннага, совиткичлар қуввати 1 млн. 380 минг тоннага етказилди.



Чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш мақсадида аҳоли ва фермер хўжаликларидagi 2,5 млн. бош сигир ва таналар сунъий уруғлантириш, наслчилик субъектлари томонидан 22 минг бош қорамол, 36 минг бош насли қўй ва эчкилар аҳолига етказиб берилди. Наслчиликни яхшилаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун четдан қарийб 180 минг бош қорамол ва 140 минг бош қўй-эчкилар келтирилди.

Аграр соҳани рақамлаштириш бўйича сўнгги йилларда катта натижаларга эришилмоқда. 2021-2025 йилларда 20 дан ортиқ, хусусан, 2025 йилнинг ўзида “АгроМониторинг”, “АгроТарози”, “Ҳосил қабули”, “АгроДокс” ва “Е-уруғ” ахборот тизимлари (АТ) яратилиб, амалиётга кенг жорий қилинди. Жорий йилда “Ҳосил қабули” ахборот тизимида пахта ҳажми, микдор кўрсаткичларини шаффоф “онлайн” шакллантириш йўлга қўйилди. Энг асосийси, хизматларни рақамлаштириш орқали шаффофлик таъминланиб, масофадан туриб хизмат кўрсатишга эришилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни, хусусан, чорвачилик ва иссиқхона хўжаликларини, пахта-тўқимачилик кластерларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда узумчилик ва виночилик соҳасини барқарор ривожлантириш, хомашё базасини кенгайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш, аграр секторни замонавий, ресурстежамкор техникалар билан таъминлашни рағбатлантириш бўйича янги механизмлар жорий этилди. Байрам тадбири доирасида бир гуруҳ аграр соҳа ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда қишлоқ хўжалиги фидойиларига Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилди.

Шу ўринда “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни – Ҳосил байрами” муносабати билан аграр соҳанинг барча вакилларини юксак эҳтиром билан қутлар эканмиз, уларнинг меҳнатлари доимо халқимиз томонидан муносиб қадрланишини тилаймиз. Янги Ўзбекистон фаровонлигини таъминлаш, бозорларимизнинг, дастурхонларимизнинг тўқинлиги ва халқимизнинг ризқини қўлайитириш йўлидаги эзгу ишингиз, сабр-қаноатингиз ва фидокорлигингиз ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Ҳамиша хирмонингиз юксак, ҳар бир ҳаракатингиз баракали, меҳнатингиз самарали бўлсин!

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

куз-қиш мавсумида 182 та насос агрегати ва 28 та сугориш қудуғини таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, 14 октябр ҳолатига кўра, насос станцияларидаги 48 дона насос агрегати ҳамда 10 дона сугориш қудуғи таъмирланди ва натижада катта миқдордаги электр энергия иқтисод қилинди.

Сув тежовчи технологияларни 46 минг гектардан ортиқ майдонда жорий қилиш режалаштирилган бўлиб, бу борада ҳам ишлар белгиланган режа асосида олиб борилмоқда.

Ботир АЛИМОВ,
Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи.



Фарғонада БАЙРАМ ШУКУҲИ

(Боши 1-саҳифада)

Шуларни инобатга олган ҳолда, жорий йилнинг 4 декабрь санасида Ал-Фарғоний номдаги вилоят ахборот-кутубхона марказида Фарғона тумани ҳокимлиги мутасаддилари, “Миллий тикланиш” демократик партияси Фарғона вилояти Кенгаши раҳбарияти, Фарғона давлат университети профессор-ўқитувчилари ҳамда туман қишлоқ хўжалигида смарали меҳнат қилган иснонлар, уларнинг фарзандлари иштирокида “Фарғона тумани қишлоқ хўжалиги: ўтмиши ва бугуни” номли илмий анжуман ташкил этилди.

Бу эса ўз навбатида Фарғона тумани қишлоқ хўжалигининг залворли ва шавкатли ўтмишини, порлоқ истиқболини кенг оммага яқиндан таништириш, тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат, қасбга бўлган фидойилик, масъулиятни ошириш, қолаверса, соҳада узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилган ходимларини эсга олиш, хотираларига ҳурмат бажо келтиришдек муҳим масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Анжуман аввалида меҳмонлар учун тайёрланган махсус кўргазма намойиши бўлиб ўтди. Унда туман қишлоқ хўжалиги ҳақида ҳикоя қилувчи муҳим фото-кўргазма, “Меҳнат Қаҳрамони”, нуфузли давлат унвон ва мукофотлари соҳибларининг оилавий архивларидаги ҳужжатлар, фотосуратлар, эсдаликлар ҳамда вилоят ахборот-кутубхона фондида сақланувчи нодир даврий нашрларнинг илк бора кенг оммага катта ҳамждаги намойиши йиғилганларда катта таассурот уйғота олди. Туман ҳокимининг табрик нутқи ҳоким маслаҳтчиси томонидан ўқиб берилиб, анжуман очик дея эълон қилинди. Шундан сўнг профессор-ўқитувчилар навбат билан маърузаларини бошлашди. Соҳа меҳнаткашлари хусусидаги ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Сўзга чиққанлар орасида Фарғона давлат университети профессори Турғуной Эгамбердиева маърузачилари, меҳнат фахрийларини тинглаган ҳолда Т. Эгамбердиева, туман қишлоқ хўжалиги соҳаси ва ходимларининг бугунги кунгача босиб ўтган йўлини ҳаққоний ёритиш, ўрганиш ҳамда кенг жамоатчиликка янада яқиндан таништириш мақсадида кўп жиддиди “Фарғона тумани қишлоқ хўжалиги: ўтмиши ва бугуни” номли илмий асар яратиш ғоясини илгари сурди.

Сирасини айтганда, мазкур анжуман қишлоқ хўжалиги ва соҳа ходимлари учун ниҳоятда муҳим кун сифатида тарихга муҳрланди. Зероки, Янги Ўзбекистонда инсон қадр, унинг меҳнати ҳамиша улут ва ёш авлод учун ибрат намунасиدير.

“Миллий тикланиш” демократик партияси Фарғона вилояти Кенгаши раҳбари Илҳом Носиров эса бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида қилинётган илмий тадқиқотлар, уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши жараёнлари, туманда резавор мевачиликнинг кундан кунга ривожланиб бораётганлиги, бу соҳада барчага ибрат бўлаётган оилалар хусусида маъруза қилди. Шу билан бирга инсоният тамаддуни ривожини йўлида деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиш жараёнлари, унинг ўрганилиши ва илмий жиҳатдан асосланишини топилган археологик манбалар асосида археолог олима Сайёра Мирсоадова тушунтириб берди. Қолаверса, туман қишлоқ хўжалиги ривожини йўлида меҳнат қилган соҳа фахрийлари ва уларнинг фарзандлари ҳам сўзга чиқиб, кўрган-кечирганлари, устозлари, қасбдошлари, ота-оналари хусусида гапириб бердилар. Бу эса анжуманнинг янада раванг-баранг ҳамда юқори саньяда ўтишини таъминлади.

Анжуман иштирокчилари, уларнинг маърузачилари, меҳнат фахрийларини тинглаган ҳолда Т. Эгамбердиева, туман қишлоқ хўжалиги соҳаси ва ходимларининг бугунги кунгача босиб ўтган йўлини ҳаққоний ёритиш, ўрганиш ҳамда кенг жамоатчиликка янада яқиндан таништириш мақсадида кўп жиддиди “Фарғона тумани қишлоқ хўжалиги: ўтмиши ва бугуни” номли илмий асар яратиш ғоясини илгари сурди.

Сирасини айтганда, мазкур анжуман қишлоқ хўжалиги ва соҳа ходимлари учун ниҳоятда муҳим кун сифатида тарихга муҳрланди. Зероки, Янги Ўзбекистонда инсон қадр, унинг меҳнати ҳамиша улут ва ёш авлод учун ибрат намунасиدير.

Абдуҳошим МАХАМАДОВ,
Фарғона давлат университети магистранти, тадбир ташкилотчиси.

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ДАВР ТАЛАБИ

(Боши 1-саҳифада)

Бугунги кунда пудратчи корхоналар томонидан 781 км. узунликдаги очик коллектор тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилган. Мелиоратив объектларин қуриш ва реконструкция қилиш дастури доирасида 11,7 км. узунликдаги ёппиқ-ётиқ дренаж тармоқларини, 3 дона гидротехник иншоотни реконструкция ҳамда 2 дона гидротехник иншоотни янгидан қуриш режалаштирилган, октябр ойига қадар пудратчи корхоналар томонидан барча ишлар якунланган. Шунингдек, Президентимизнинг шу йил 15-16 апрель кунлари Андижон вилоятига таширфи до-

ирасида ўтказилган йиғилишида трасса ва марказий йўллар бўйидаги очик зовурларни ёппиқ тизимга ўтказиш юзасидан берилган топшириғига асосан, вилоятимизда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 14 км. очик зовурларни ёппиқга ўтказиш бўйича манзилли руйҳат ҳамда ишлар графиги тасдиқланган. Топшириқда белгилаб берилган ишлар режа-график асосида амалга оширилмоқда. Ҳар бир объект бўйича тадбирларни бажариш юзасидан ишлаб чиқарилган тармоқ жадваллари асосида ишлар ташкил этилиб, уларга бириктирилган масъулар томонидан амалга оширилган ишлар устидан доимий назорат

ва мониторинг юритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 95 та насос станциясини модернизация қилиш лойиҳаларини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги 2022 йил 30 ноябрдаги қарори ижроси бўйича вилоятимиздаги 23 та насос станциясида модернизация ишларини бажариш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда 17 та насос станцияда модернизация ишлари олиб борилмоқда.

Насос станциялари ва энергетика бошқармаси томонидан 2025-2026 йиллар

"Autosanoat agro lizing" MЧЖ ташкил этилгандан буён миқозларга умумий қиймати 900 млрд. сўмлик, 1700 донна замонавий, ресурс тежамкор қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг асосида етказиб берилди

Сарҳисоб



Бурхан КАРИМОВ,
"Ўзавтосаноат" АЖ тизимидаги
"Autosanoat agro lizing"
Масъулияти чекланган жамияти
Бош директори



Мақсадимиз — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Иқтисодиётнинг ҳар қайси тармоғи ривожига кўрсатилаётган хизматларга чамбарчас боғлиқ. Яъни тармоққа қанчалик сифатли хизмат кўрсатилса, қўзланган мақсадга шунчалик аниқ эришилади. Бу жиҳат, айниқса, қишлоқ хўжалиги учун ҳам ниҳоятда муҳим. Чунки ерга, экинга, маҳсулотга ўз вақтида ишлов бериш учун у фермер, кластер ёки қайта ишлаш корхонасини зарур техникаларга эга бўлиши лозим. Шунда уларга лизинг хизмати кўл келади. Бинобарин, кейинги йилларда аграр тармоқ вакиллари орасида мазкур хизматга бўлган талаб тобора ортиб бораётгани бежиз эмас.

Табиийки, бунга мос равишда лизинг компаниялари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз лизинг бозорига фаолият олиб бораётганига ҳали унчалик кўп бўлмаган "Ўзавтосаноат" АЖ таркибига кирувчи "Autosanoat agro lizing" МЧЖ қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида етказиб бериш билан шуғулланиб келмоқда. Бизнинг Жамиятимиз 2021 йил 15 ноябрда давлат рўйхатидан ўтди ҳамда 2022 йил 1 январдан ўз фаолиятини бошлади.



Лизинг ўзи нима?

Шу ўринда лизинг ўзи нима, мазкур иш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг вазифаси нималардан иборат? Бугунги кунда ушбу хизматларга талаб қай даражада, деган саволларга жавоб бериб ўтсак, мақсадга мувофиқдир. Нега деганда, айримлар лизинг хизматида мунатазам ва унумли фойдаланади. Айримлар эса йўқ, ҳатто, бундай ташкилотлар ҳақида маълумотга ҳам эга эмас. Ваҳоланки, фаолиятини самарали ташкил қилган, даромади харажатини тўғри йўналишга олиб бериш учун мазкур хизмат қўлай имконият ҳисобланади.

Лизингнинг бир неча шакллари мавжуд. Унинг турлари кўрсатиладиган хизматлар турига қараб фарқланади. Лекин уларнинг барчаси фойдаланувчи мулкдорга вақти-вақти билан тўловлар ўтказиб туришга асосланади.

Лизинг бу хизмат. Мисол учун, тракторни лизингга олмақчи бўлган фермер ушбу хизмат турини кўрсатувчи компанияга мурожаат қилади. Ўз навбатида, компания ўз маблағлари ҳисобига тракторни харид қилади ва уни миқозга маълум миқдордаги тўлов эвазига муддатли фойдаланиш учун беради. Белгиланган ижара муддати тугагандан сўнг эса тракторга эгалик қилиш ҳуқуқи бевосита миқозга ўтади. Яъни миқоз ўзи сотиб ололмаётган мулкни сотиб олиш учун лизинг компанияси хизматидан фойдаланади. Лизинг тарихи узок йилларга бориб тақалади. Қадимий манбаларда қишлоқ хўжалиги анжомлари, ер, сув омборларини, ийрак шоғли қорамол ва бешка ҳайвонларнинг ижарага берилганилиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бундан англашилади, ушбу хизматга талаб ҳамisha бўлган ва бугунги кунда у замонавий кўринишда тобора ривожланиб, кенгайиб бормоқда.

Малакали кадрлар — давр талаби

Қишлоқ хўжалигида лизинг тармоқни зарур техникалар билан таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ривожига муҳим аҳамият касб этади. Яъни лизинг хизмати

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳар бир раҳбарнинг бурчи

Муҳтарам Президентимиз томонидан 30 июнь мамлакатимизда "Ёшлар кўни" деб эълон қилинди ҳамда ушбу сана ҳар йили катта шодиёна сифатида нишонланади. Юртбошимиз шу кўни ёшлар билан учрашиб, уларнинг тақлиф ва истакларини тинглаб, қўллаб-қувватлаш илгари суради. Хусусан, жорий йилда бўлиб ўтган шундай учрашувлардан бирида Ўзбекистон ёшларини ушбу қўллаган айём билан табриклаб, уларга меҳри ва ишончини билдирди. Илм-фан, технология, муҳандислик ва математика, энергетика, транспорт, урбанизация, архитектура, қўрилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги каби драйвер соҳалар учун квоталар оширилаётганини ҳамда банклар "ТОП-300" талик олийгоҳга кирган ёшларга 20 минг долларгача имтиёзлик кредит беришини таъкидлаб ўтди. Бу каби таъминотлардан илҳомланган ҳолда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида Жамиятимиз томонидан ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Даставвал, ёш ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш мақсадида Чехия, Греция, Саудия Арабистони каби дунёнинг етакчи мамлакатларига Жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан малака ошириш ўқув-амалий семинарларига юборилди. Қатор филиалларимизга ёш ходимлар раҳбар қилиб тайинланди. Шу йили Олий таълим муассасаларини битирган ёш кадрларини иш билан таъминладик.

Энг зарур хизматлардан бири

"Autosanoat agro lizing" МЧЖ ташкил этилгандан буён миқозларга умумий қиймати 900 млрд. сўмлик, 1700 донна замонавий, ресурс тежамкор қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг асосида етказиб берилди. Шундан 80 донаси пахта териш машинаси, 160 донаси галла ўриш



комбайни, 510 донаси ҳайдов ва чопиқ тракторлари, 100 донаси экиш сеялкалари бўлса, 340 донаси ерга ишлов бериш техникалари ва 510 донаси бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларидир. Жорий йилнинг ўтган даврида миқозларга олиб берилган техникаларнинг умумий қиймати эса 210 миллиард сўмни, сони 250 донани ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қиймат жиҳатидан 160 фоизга кўп хизмат кўрсатилди, деганидир. Лизинг асосида берилган ўзи юрар техникалар (асосан пахта териш машиналари ва галла ўриш комбайнлари)га замонавий GPS қўрилмалари ўрнатилмоқда. Бу ўз навбатида техникаларни реал вақтда назорат қилишга, лизинг даврида техника самарадорлигининг мониторингинг олиб боришга хизмат қилади.

Айтиш керакки, Жамиятимиз мамлакатимиздаги йирик қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчилари, етказиб беришчи корхона ва ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик



қилиб келади. "Toshkent traktor zavodi" МЧЖ ("Agrotech klaster"), "UzClaasAgro" МЧЖ ҚҚ, "Landtech" МЧЖ, "Lemken Chirchik" МЧЖ ҚҚ, "Oxus Machinery" МЧЖ, "Agrixim" МЧЖ ҚҚ, "Agromasheli" МЧЖлар шулар жумласидандир.

Сўнгги йилларда Жамият фаолият турини кенгайтириш мақсадида боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик каби қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ҳам лизинг асосида замонавий техникаларни етказиб бермоқда.

Эътибор ва ҳуқуқий асос

Лизинг дунё мамлакатларида кенг қўламда фойдаланилётган ва самарали молиявий хизматлардан бири ҳисобланади. Таҳлилларга қўра, сўнгги пайтларда лизинг операциялари ҳажми тобора ортиб бормоқда. Лизинг билан шуғулланувчилар мунтазам қўллаб-қувватланиб, улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда. Бу борада охириги йилларда Ўзбекистонда кўрилатгани чора-тадбирлар ҳам эътирофга лойиқ, албатта. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Президентимизнинг 2021 йил 11 ноябрдаги "Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини ташкил

қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2022 йил 22 июлдаги "Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ташкил этишни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2023 йил 29 мартдаги "Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари шулар жумласидандир. Ушбу қарорлар асосида кластерларга, фермер хўжаликларига қўллаб-қувватлаш яратилди. Хусусан, харид қилинган техника умумий қийматининг 15 фоизи субсидия асосида миқозга қайтарилди. Агар лизинг шартларида олинса, лизинг фойзининг 10 фоиздан юқори қисми давлат томонидан субсидияланди. Буларнинг бари, табиийки, хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтиришга олиб келмоқда. Зеро, мамлакатимиз фермер деҳқонларининг қишлоқ хўжалиги техникаларига бўлган талаби йил сайин ортиб бормоқда. Таҳлилларга қўра, мамлакатимиз лизинг бозорига 2000-2010 йилларда 36 хилдаги қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб берилган бўлса, 2010-2015 йилларда улар 70, 2020-2025 йилларга келиб эса 150 хилга яқини ташкил этгани фикримиз тасдиғидир. Қаранг, бу борада ҳар беш йилда кескин кўтарилиш бўлган. Демак, республикамиз аграр тармоғи сезиларли даражада девирсификация қилинмоқда, қишлоқ хўжалигида янги йўналишлар пайдо бўлмоқда. Деҳқончилик маданияти юксалмоқда. Ўз навбатида, "Autosanoat agro lizing" МЧЖдан техникаларини лизинг асосида харид қилувчилар сафи ҳам тобора кенгаймоқда. Сабаби, хариддорнинг талабига мос сифатли, камхарж, арзон техникаларни тақлиф этиш, бугунги бозор иқтисодиёти рақобат майдонида ўз нуфуз ва мавқеини сақлаб қолиш, миқозлар талабини қондириш ҳар доимгиданда муҳим ҳисобланади.

Жамият фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, миқозларга хизмат кўрсатишда очкилик ва шаффофликни таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш борасида ҳам қатор ижобий ишлар



амалга оширилмоқда. Хусусан, Жамиятимизда комплаенс назорати бўйича штат жорий қилинган, ундан ташқари узлуксиз фаолият кўрсатувчи ишонч телефонларимиз мавжуд. Ҳар ой якунлари бўйича мурожаатлар тизимли таҳлил қилинади. Ишонч билан айтишим мумкинки, ҳозирга қадар Жамиятимиз фаолиятида коррупция билан боғлиқ бирорта ҳам ҳолат аниқланмаган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Биз нафақат ўз фаолиятимизни, балки бошқа маҳаллий ва хорижий лизинг компаниялари фаолиятини мунтазам ўрганиб борамиз ҳамда уларнинг тажрибаларини амалга қўллаш чораларини кўрамиз. Шу мақсадда жамиятимизнинг аксарият ходимлари АҚШ, Германия, Чехия, Греция, Малайзия, Саудия Арабистони сингари давлатларида бўлиб, ўз малакаларини ошириб, билим ва тажриба тўплаб келмоқда.

Янги тақлифларнинг ижобий самараси

Айтиш жоизки, ўтган йилдан бошлаб, жамиятимизда техника хариди ва етказиб бериш бўйича қатор янги механизмлар жорий этилди. Яъни лизинг олувчиларга қўлайлик яратиш мақсадида қўллаб-қувватлаш техника ва агрегатлар тўғрисида тўғри ҳудудий филиалларга марказлашган ҳолда етказиб берила бошланди. Натижада миқозларнинг вақти тежаладиган бўлди. Вилоят филиаллари ҳудудда кўрғазмалар ташкил этилди. Техникаларни лизинг асосида харид қилмоқчи бўлган миқозлар ҳудудий филиалларга ташир бўйиб, кўрғазма шаклида тақлиф этилган техникалар билан танишиш ва шу жойнинг ўзида шартнома имзолаш имконияти яратилди.

Бугунги кунга келиб "Autosanoat agro lizing" МЧЖ жамоаси қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга етказиб беришда лизинг муддатларини узайтириш, фойзаларини камайтириш борасида маҳаллий ва халқаро молия ташкилотлари билан амалий ишлар олиб бормоқдалар. Лизинг олувчиларнинг талаб ва тақлифлари ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ ўрганиляпти. Булардан қўзланган мақсад эса аниқ: мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини замонавий техникалар билан ўз вақтида таъминлаш ва юртимиз раванги, халқимиз фаровонлиги учун ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс
таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
**ЧОРИ
ЛАТИПОВ**

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАХМОНОВ,
Шавкат ХАМРОЕВ,
Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ,
Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Раимқул СУЯРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-ракам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Оффсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Нашр индекси — 144. Буюртма Г-1217. 1430 нусхада чоп этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Тахририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар — (998 90) 317-19-16. **e-mail:** info@qishloqhayoti@mail.ru Бахоси келишилган нархда.
Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топширилган вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.10